

O'ZBEKISTON  
RESUBLIKASI  
MILLIY JURNAL

Она юртинг-олтин бешигинг

# ТОНГЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 27 (66256)  
2000 йил 6 июль, пайшанба.

Сотувда эркин нархда

## УИДАМИ ШИЖОРАТИМ

Кўпчилик болалар таътилда оромгоҳларда дам олишни яхши кўришади. Мен эса бир зум узоққа кетгим келмайди. Шундай бўлса-да, ёзги таътил мен учун жуда мароқли ўтяпти. Фақатгина уйда ўтирмай меҳмонга қариндошларимникига бориб турибман. Уйда ойимларга уй ишларида қарашиб, бўш вақтимда шеър ёзмаман, китоблар ўқийман, инглиз тили тўғрисида ҳам қатнашпман. Тўғарак пуллик бўлгани учун пулни ўзим топаман. Албатта баъзи болаларга ўхшаб бозорга чиқиб эмас. Уйда жияклар тикаманда, маҳалламиз қиз-жувонларига сотаман. Унинг пулини ўқишга, китоб харид қилишга сарфлайман. Бундай мароқли таътил мен учун оромгоҳдан афзалдир.

Машҳура **ҚАҲҲОРОВА**,  
Тошкент туманидаги  
Х. Абдуллаев номи  
2-мактаб ўқувчиси.



## «ЭКСПО-2000»ДА ЎЗБЕКИСТОН

Дунёга машҳур «ЭКСПО-2000» Бутун дунё халқаро кўргазмаси бундан 100 йил аввал Лондонда бўлиб ўтган эди. Бу йил ушбу кўргазма Германиянинг Гановер шаҳрида бўлиб ўтмоқда. Мухбиримиз ана шу кўргазма ҳақида ҳикоя қилади.

Ватанимиз мустақил Ўзбекистон кундан-кун дунёга кенг кўламда танилиб бормоқда. Ҳатто, дунёга машҳур «ЭКСПО-2000» кўргазмасида ҳам Ўзбекистонимиз фаол иштирок этиб, чет эллик ишбилармонлар диққатини тортмоқда. Бу халқаро кўргазмада 150 дан зиёд мамлакат иштирок этапти. 1-июндан 31 октябргача давом этадиган «ЭКСПО-2000» «Инсон - табиат - техника» шиори остида ўтяпти. Ҳар бир мамлакатнинг ўз кўргазма зали ёки биноси бор. Ўзбекистоннинг ҳам 1500 кв. метр саҳни эгаллайдиган кўргазма зали мавжуд. Бу ерда Ўзбекистонимиздан келтирилган саноат маҳсулотлари, миллий санъатимиз намуналари, туризм, илм-фан соҳасидаги янгиликлар намойиш этиляпти. Кўргазма залини безатиш учун турли безаклар, мебеллар, жиҳозлар, гиламлар, хонтахтаю кўрпачалар, хуллас, Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар олиб келинган. 2000 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистоннинг мустақиллик кунига бағишланган байрам бўлиб ўтади. Тантаналарда юртимиздан келган санъаткорлар, мутахассис ва ишбилармонлар иштирок этадилар.

Ҳилола **ЗОҲИДОВА**,  
Франкфурт шаҳри.

## ИЛМ ОЛ, ХУҲРАТ ТИЛА

Одамнинг қиймати эмас сими зар,  
Одамнинг қиймати - билим ва ҳунар...  
Бугун мен янги ҳаёт бўсағасида турган ака-опаларимга, турли лицей ва коллежларга ҳужжат топшираётган тенгдошларимга шу икки мисрани эслатмоқдаман. Чунки, ҳар бир инсон илми, ҳунари бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топиши лозим.

Шунга амал қилган ҳолда туманимиздаги 10-сон лицейга ўқишга кирдим. Келажакда ўқитувчи бўлиб, ўқувчиларга билим бермоқчиман. Тенгдошларимга ҳам, келгусида ўзлари севган касбнинг моҳир устаси бўлишларини тилаб қоламан.

Шахло **ШОМУРОДОВА**,  
Хоразм вилояти, Янгибозор туманидаги  
27-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

Эрта билан ойим ҳар кунгидан барвақтроқ уйғотдилар. «Таътилдамиз-ку ойижон, яна бироз ухлайлик», эътироз билдирдим мен. «Ҳа майли, ихтиёрингиз. Бугун сизларни ҳайвонот боғига олиб бормоқчи эдим-да» - дедилар ойим маънодор кулиб. Бу гапдан кейин кимнинг ҳам уйқуси келади дейсиз? Донг қотиб ухлаб ётган укаларимга ҳам «жон кириб» кетди. Апил-тапил нонушта қилиб, йўлга тушдик. Шаҳримизда очилган янги ҳайвонот боғига боргандирсизлар-а? Сизларни билмадимку боғ менга жуда ёқди. Турли қилиқлар қилиб, қийқиришиб ўйнаётган маймунлару, катта-катта илону-тимсоҳлар. Бор гавдаси билан ўзини сувга болаларга сув сачқора,

**БИЗТА МАЗЗА, УЛАРТА ЭСА...** отиб, ратаётган оқ, кўнғир тусдаги айиқ-полвонларни айтмайсизми?! Укаларим нортуйларда сайр қилиб, аргимчоқларда мазза қилиб учишди. Ойим иккимиз каттакон фавворада етти рангдаги камалакнинг жилдоланишини томоша қилиб, салқинлаб ўтирдик. Боғдан чиқиб укаларимнинг қистови билан шаҳримиздаги «Боғи эрам» сайлгоҳига бордик. Ойижонимнинг жуда ажойиб одатлари бор: сайлгоҳларга олиб борсалар шунчаки аргимчоқларда учирибгина қолмай, боғдаги ҳар бир дарахт, гул ва ўсимликлар ҳақида, уларнинг неча йил умр кўриши, номланиши, инсонларга келтирадиган фойдаси ҳақида ҳам гапириб берадилар.

Кечки пайт дадажоним ишдан қайтдилар. Дастурхон атрофида укаларим бир-бирларига гал бермай боғдан олган таассуротларини сўзлай кетишди. Шу пайт телевизор орқали «Ахборот» информацион дастури бошланиб қолди. Дадам ҳар сафар бу кўрсатувни диққат билан томоша қиладилар. Биз ҳам уларга ҳалал бермасликка кўникиб қолганмиз. Чеченистон жангарилари билан Россия ҳарбийлари орасида бўлаётган тўқнашувларни, очнаҳор, кўркув ва саросимада юрган болаларни кўрсатишди. Катталар уришаверади, азобини эса бегуноҳ болалар тортишяпти. Уларни кўриб тинч, фаровон турмушимизга, ота-онамнинг ёнимда эканликларига минг бора шукр қилдим.

Азиза **ТЎХТАМУРОДОВА**,  
Тошкентдаги 327-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.



Mana keldi yoz fasti,  
Issiq kiyim yechildi.  
Bog'larda, anhorlarda  
Tandan g'ubor chekindi.

O'ynang, kuling, o'g'il-qiz,  
Yozning zavqini suring.  
Buyuk inson bo'lib siz,  
Jannatiy olam quring!

Marg'ubaxon **Hakimjon qizi**,  
Andijon, 12-maktab 7-sinf o'quvchisi.



## КИТОБДАТИ "ГИРДОБ"

Таътилда болалар учун ёзилган асарлар қатори Ўктам Усмоновнинг "Гирдоб" номли романини ўқиб чиқдим.

Асарда бош қаҳрамон Азиз Қосимовнинг мураккаб изланишари қаламга олинади. У пахтани сувсизликка, вилтга чидамли навини яратиш мақсадида маданий навни ёввойи навга чапиштирмоқчи бўлади. Салкам ўн йиллик тажрибаси давомида унга ҳеч ким, ҳатто турмуш ўртоғи Салтанат ҳам ишонмайди. Раҳбари Муҳиддин Жабборович ҳам унинг устидан қадака қилиб, Азизнинг ишларини тан олмайди.

Ниҳоят, Азиз Қосимов илк натижаларга эришиши арафасида турганида унинг кашфиётига шерик бўладиган "ҳаммуаллифлар" чиқиб қолади. Иккиюзламачи Муҳиддин Жабборович ва Расул Оллоёровичлар очикчасига пасткашликка ўтишади.

Ёзувчи бу асар орқали одамни иродали, билимли, ҳақиқат учун аниқ мақсад сари курашишга ўргатади. Мен таътил кунлари "Гирдоб" ни ўқиб, китоблар гирдобига тушиб қолдим!

Шерзод Тўлаганов,  
Янгийўл туманидаги Қозоқбой Абдуллаев номли 3-мактабнинг  
8-синф ўқувчиси.



## МЕЧ ИЗЛАТДИ МЎЪЖИЗА

Ёзда ариқларда шарқираб оқаётган муздай сувда чўмилиш, боллардаги ширин шарбатга тўлган мева-чевалардан тўйиб-тўйиб ейиш кимга ҳам ёқмайди, дейсиз. Ундан кейин мазза қилиб бадий китоб ўқиш қандай яхши. Мактабимизнинг катта кутубхонасида мен излаган китоб топилади. Чунки, саховатпеша ўқитувчиларимиз ойлик маошларидан ажратиб янги-янги китоблар сотиб олдилар. Кутубхоначи Шаҳодат ва Зухра опалар таътил кунлари ҳам бизни кучоқ очиб кутиб оладилар. Бундан ташқари бобом ва амаларим она тили ва адабиёт ўқитувчилари. Бадий китоблар уларнинг ҳам жону-дили. Уйларида кўплаб китоблар бор.

Яна ўқитувчимиз Гулчеҳра опа Шодиева бошчилигида синфимизда кутубхона ҳам ташкил қилганмиз. Мақсад - таътил давомида китобларни ўқиб чиқиш.

Кейинги пайтларда тенгдошларим ойнаи жаҳон орқали бериладиган ҳар хил фильмларни қолдирмай кўряптилар. Айниқса, туман телевидениеси орқали берилётган ёшлар хулқига таъсир қиладиган фильмлар кўпайиб кетди. Бу фильмларни кўришга кетган вақтларини китоб ўқишга ажратишса эди. Ахир, бизнинг вазифамиз биринчи навбатда ўқиш-ку.

Назира ЭРГАШЕВА,  
Ғиждувон туманидаги 8-мактабнинг  
8-«Е» синф битирувчиси.

## ОНАМДАН БОШҚА

Ёмонлар бўйнимга занжир солганда,  
Фалак ҳам ҳолимга ҳайрон қолганда,  
Ҳатто уришидан юрак толганда,  
Ҳеч кимса куймайди, онамдан бошқа.

Аламлар айланса кўзда ёшимга,  
Ҳаёт минг азоблар солса бошимга,  
Душманам кувониб келса қошимга,  
Ҳеч кимса куймайди, онамдан бошқа.

Йўлдан адаштира минг битта шайтон,  
Бошимдан ёғилса тўхмат-у бўхтон,  
Бундай қийноқлардан қолмасам омон,  
Ҳеч кимса куймайди, онамдан бошқа.


Дард келиб тўшакка михланиб қолсам,  
Чин инсон тополмай яшашдан толсам,  
Кун келиб бенишон, исиз йўқолсам,  
Ҳеч кимса куймайди, онамдан бошқа.

Гулнора ЭРГАШЕВА,  
Наманган вилояти,  
Норин туманидаги  
Иқтидорли болалар  
лицейи талабаси.



хатлар

тегирилган



## КИЙИМ «ПОЙГАСИ» БЎЛМАЙДИ

Ўқувчиларнинг сеvimли газетаси бўлмиш «Тонг юлдузи»ни ўқир эканман, ватанимизда шеърятга, адабиётга қизиқадиган ўғил-қизлар кўплигидан қувонаман.

Яқинда тенгдошим Дилдора Нёъматованинг «Сиз нима дейсиз?» деб номланган мақоласини ўқидим. Мақолада мактаб ўқувчилари учун махсус кийим жорий қилиш ҳақида фикр юритилади. Менимча, Дилдора муҳим масалани ёритган.

Авваллари мактабимизда форма жорий қилинмаган эди. Шу сабабдан қизлар ора-

сида кийимлар модаси-«рақобат» мавжуд эди. Мамнуният билан маълум қиламанки, янги ўқув йилида мактабдошларим бир хил форма кийинишади. Ким ўзарга кийим кийишдан пойга ҳам уйнашмайди. Бу албатта иқтисодий томондан ҳам яхши. Энг муҳими, ўқувчи эътиборини фақат билим олишга қаратади.

Саида ЖАББОРОВА,  
Тошкент туманидаги  
2-ўрта мактабнинг  
9-синф ўқувчиси.

## «ОҚ ТЕПА»ГА ЮТҚАЗИБ ҚЎЙДИК

Кун эрталабданоқ қизий бошлади. Ойимнинг тайинлаб кетган юмушларини бажариб бўлиб, ланж бўлиб кўчага чиқдим. Кўшнимизнинг каттакон ўриги тагида дўстларим Илҳом, Шавкат, Азизлар ҳам зерикиб ўтиришган экан. Мен ҳам уларнинг сафига қўшилдим. Шу пайт маҳалламиз оқсоқоли Саиднаби хожи бобо келиб қолдилар.

-Ўғилларим, маҳаллама - маҳалла футбол ўйнайсизларми? - сўраб қолдилар биздан. Табиийки, бир овоздан рози бўлдик. Тезгина жамоа тузиб, машқларни бошлаб юбордик. Ўтган шанба биз кўшни «Оқ тепа» маҳалласи болалари билан мусобақалашдик. Қанчалик берилиб ўйнамайлик, уларга ютқазиб қўйдик. Чунки, рақиб жамоа болалари биздан ҳам лухтароқ ҳозирлик кўрган экан. Мағлубиятимиздан руҳимиз тушгани йўқ. Аксинча, мактабимиз стадионида тинимсиз машқ қилиб, яна бошқа маҳаллаларнинг болалари билан футбол ўйнашга ҳозирлик кўряпмиз. Кўшнининг деразасини эмас, рақиб дарвозасини нишонга оламиз энди. Бунга қарангки, аввалги ланжлигимдан асар ҳам қолмаган, ҳатто куннинг иссиғи ҳам сезилмаяпти.

Санжар ЖАЛИЛОВ,  
Собир Раҳимов тумани,  
Беруний маҳалласи.

## YOZ

Yoz kelibdi, qaranglar,  
G'arq pishibdi mevalar.  
O'g'il va qiz bolalar,  
Yozda quv nab olinglar.

Bordir shunday bir naql:  
«Sog'lom tanda sog' aql»  
Shuni bilib qo'yinglar,  
Chiniqib kuch yig'inglar,

Nodira AKRAMOVA,  
Yuqori Chirchiq tumani,  
Yangibozor qo'rg'oni,  
10-maktabning «4-G» sinf  
o'quvchisi.





# ЎҚИМИШЛИ ХАЛҚ ҚУДРАТЛИДИР

## Маънавият сабоқлари



Гўзаллик оламни кутқаради, деган экан донишмандлардан бири. Маънавий гўзалликни эса китоб белгилайди. Китоб кириб борган хонадон комилликка интилади.

Болалигимизда гузаримиз қошида мўъжазгина кутубхона бўлгучи эди. Давр тақозоси билан ҳозирда у ошхонага айлантирилган. Маънавий "ошхона" миз ошқозон ташвиши билан яшовчи хўрандалар маскани бўлиб қолди. Лекин у томонга йўлим тушиб қолса азиз гўшани эслаб антикиб қўяман. У ерга кириб таом эмас, китоб танлагим келади. "Янги китоб келдими?", деб сўрагим келаверади. Бундай демоқчилигимнинг боиси бор: маҳалламизнинг болалари кутубхонанинг фаол аъзолари эдилар. Айниқса - синфдошим Шухрат Қаюмов. Китобдан тортиб, жарида рўзномаларгача қолдирмай ўқир, ҳар гал "Спорт" газетасини ориқиб кутар эди.

Ҳозирги ёшлар тамомила бошқача: бизга нисбатан интилувчан, иқтидорли. Лекин... китобга бўлган қизиқиш биздагидек эмас! Тан олиш олмаслик - уларнинг ихтиёрида. Обуна масаласида моддий тақчилликни рўқач қилишлари мумкин. Буни тушунаман. Лекин, шундоққина ёнларида кутубхона бўла туриб, уни четлаб бозорга ошиқаётган ёшлар кўпайиб кетгани дилимда оғриқ уйғотади: "Киши моддий томондан бадавлат бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон маънавият томонидан, юксак бўла олмайди", дейман хўрсиниб.

Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман деганида ёзувчи ҳақли эди. Китоб мутолаа қилган киши ҳаёт магзини чақайди, эзгулик сабоқларидан бахраманд бўлади. Бу сабоқларни унутишга ҳаққимиз йўқ. Уларни унутмак - маънавий гуноҳ билан тенг.

Кўқон шаҳридаги Янги Чорсу худудида бўлган киши Ноиб кўприги аталмиш гузардан тўғри Янги бозор худудига чиқиши мумкин. Бу кўча ҳозирда Норбўтабек номи билан юритилади. Менга қолса биз кўчани Мусулмонобод деб атаган бўлар эдим. Чунки маҳалла аҳли одамохун, иймон-эйтиқодли, меҳр-оқибатли; гўдак ёшиданоқ "ассалом" деб қўлини кўксига қўйиб сўрашувчи инсонлар гўшаси бу ер. Ана шу гўша худудида Собир Абдулла номли 25-ўрта мактаб жойлашган. Дарахтзорга чулганган ташқи бу муқаддас даргоҳда талабчан ва фидойи инсон раҳбарлик қилаётганини аниқлаш қийин эмас. Келинг, яхшиси, у киши билан сизни ҳам таништирай:

Замирахон Содиқова. 31 йилдан бери шу мактабда ишлайди. Миллий маънавиятимиз учун жон куйдираётган раҳбар:

-Китобга бўлган эҳтиёж, миллий маънавиятимиз Амир Темур давридан олдин ҳам бор эди. Халқимиз юксак маънавиятли халқ бўлган. "Авесто"ни, "Алпомиш"ни эсланг. Ўрхун - Энасой тошбитикларини эсланг. Оврўпода сигир терисига белги қўйиб юрганларида бизда дунё илм аҳлини ҳайратга солувчи тошбитиклар бўлган маънавиятимиз бугун шакллана

бошлагани йўқ. Унинг ривожи юзлаб йиллар нарироқда бошланган, шаклланган, тараққий этган.

- Лекин ёшларимиз ана шулар ҳақида тасаввурга эгамикан? - дейман илмоқли савол бериб - улар ичида том маънода ҳақиқий китобхонлар кам учрайди.

- Тўғри. Аччиқ ҳақиқат бу. Ундан кўз юмиб бўлмайди. Лекин бизнинг мактабимиз болаларнинг дунёқарашини кенгайтиришга китоб орқали йўналиш бериш асосий вазифа ҳисобланади. Ана шу йўналиш бўйича мавжуд 1025 ўқувчини кутубхонага жалб қилганимиз. Шулардан 900 таси фаол китоблар -

- Демак, китобга меҳри тушган болалар кўпчиликни ташкил этар экан - дейман хурсанд бўлиб. - Бадиий адабиётга ошурфта бўлган ёш қалб маънавият уфқларини эгаллашга қодир. Лекин дарсликлар билан таъминланиш масаласини...

- Тушундим. Албатта, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма ҳам дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш қийин кечмоқда. Лекин биз бу муаммони ҳам ижобий ҳал қилишга киришганмиз. 30-маҳалла кўмитаси томонидан кам таъминланган оилаларга китоб сотиб олишлари учун маблағ ажратишла-

рига эришмоқдамиз. Лекин ҳамма ҳам эмас. Қолганларини мактаб кутубхонаси фондидан таъминлашга ҳаракат қилишимиз. Бу борада кутубхоначимиз Номозбой ака Абдураззоқовнинг хизматлари мақтовга лойиқ.

- Кутубхонамиздаги китоб миқдори мактабларга нисбатан кўп - дейди суҳбатимизга келиб қўшилган Номозбой ака. - Биз бунга ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчининг ўқув йили охирида эсдалик сифатида топширади -

## ДИРЕКТОР ОПАНИНГ ҲАЯЖОНЛАРИ

ган 1100 та китоблари орқали эришдик.

- Номозбой ака ўқувчилари онгини маънавиятга йўналтирувчи ибратли тадбирлар ўтказиб турадилар. - дейди Зиорахон опа. - Ҳар йили мактабимизда "Энг яхши китобхон" танлови ўтказилади. Голибларга "Маҳалла" жамғармаси томонидан мукофотлар бериб рағбатлантириб борилади. Шунингдек, фаол китобхонларимиз Ватан туйғуси, одобнома дарслари бўйича берилган уй топшириқларига турли мавзудаги ҳикоялар, ривоятлар, шеърлар топиб келишади. Топшириқлар уларни китоб билан мулоқотга чорлайди. Мен шу дарслар китобдан узоқлашиб

қолган ёшларимизни маънавий бойликка яқинлаштиришга интиламан. Шу ерда бир қизиқ воқеани айтсам.

Муҳаммад Феруз исмли неварам китоб мутолаасига жуда ўч. Ҳозир иккинчи синфга ўтди. Лотин ёзувини ҳам, кирилл ёзувини ҳам ўзлаштириб олган. Шу неварам денг, кун кеча қарасам "Шайтанат"ни ўқиб ўтирибди! Капалагим учиб кетди. Бу китобни ўқиб-тушунишга ҳали ёшлиқ қилади-да. "Сен жавондаги ўзингга мос китобларни ўқи", - десам нима деди денг?

- Нима деди?  
- Уларни ўқиб бўлганман, - дейди.  
- Болаликдан китобга меҳр куйган боладан ёмон одам чиқмайди

- Шунга қувонаман-да. Мен ойнаи жаҳон орқали ҳар жума кун "Ҳидоят сари" кўрсатувини берилиб кўраман. Кишида иймон-эйтиқодни мустаҳкамлайди. Лекин, динга берилувчанликни эмас. Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиради. Шундан келиб чиқиб ҳар ойнинг сўнгги жумасини "Муборак кун" деб белгилаганмиз. Худди шу кун тўртта 8-синф ўғил-қизларини алоҳида-алоҳида иккита синфга тўплаймиз. Шу кунги машғулотда ёшларнинг ўзини тўйда, азада, уйда ва кўчада қандай тутишлари лозимлиги ҳақида суҳбат ўтказамиз.

Шу пайт кутубхона эшиги очилиб, ундан доимий муҳлислар - фаоллар кириб келишди. Улар билан гурунглашаман.

- Китоб ва унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида нима дея оласиз?

Моҳира Назирова, 10-синф:  
- Инсон ҳаётида китобнинг аҳамияти катта. У маънавиятни бойитади. Сўз бойлигини оширади. Афсуски, бугунги кун-ёшлар китоб ўқиш ўрнига вақтларини бозор ёки бўлмаса умуман бекорчи фойдасиз ишларга сарфламоқдалар. Олдинги мисол: кўчада кетаётган бирон бир қиз ёки ўғил боладан китоб ўқийсизми, ёки маънавият ҳақида нима биласиз, деб сўраб кўринг-чи. Кўнгидагидек жавоб ололмайсиз. Баъзилари қачон китоб ўқиганларини ҳам эслай олмайдилар. Менимча бунга асосий сабаб бадиий адабиётларнинг камлиги бўлса керак. "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Олтин зангламас" каби ноёб адабиёт дурдонларига ўхшаш, ўқувчи диққатини ўзига тортувчи асарлар яратилмапти. Охириги уч йил ичида тузукроқ маънавий озуқа оладиган китобни эслолмайман. Албатта "Шайтанат"дан ташқари.

- Бугунги кун қаҳрамони қандай бўлиши керак? - деб сўрайман 7-В" синф ўқувчиси Каримов Аъзамдан.

- Бугунги кун қаҳрамонлари соғлом, эпчил, ўз ватанига жонкуяр, одобли, сабр-тоқатли бўлиши керак, - дейди Аъзамжон. - Мен "Қора мушук" видеофильмидаги Жеки Чанга ўхшашни истайман.


- Китоб қаҳрамонларига ўхшашни истайсизми?  
- Қани улар? Ўзи йўқ-ку! Болаларга атаб кам китоб чиқаришяпти. Айниқса, лотин ёзувида.

Нозима Болтаева, 11-синф:  
- Видеофильмлар таъсири салбий бўлиши мумкин, барибир китобга етмайди. У инсонни эркин фикрлашга ўргатади. Ҳар бир жумбоқ ва саволларга китоб орқали жавоб топилади. Кўпчилик ёшлар ҳозир китоб ўқимай қўйишган. Телевизордан бўшашмайди. Бу эса уларнинг билим савиясини пасайишига олиб келади.

Менга Пиримқул Қодировнинг "Авлодлар довони", Абдулла Қодирининг "Меҳробдан чаён", Саид Аҳмадининг "Уфқ" романи, Тохир Маликнинг "Шайтанат" асарлари ёқди. Ҳар доим "Меҳробдан чаён"ни қўлга олганимда Анвар билан Раънонинг пок муҳаббатига ҳавас билан қарайман. Мен кутубхонадан кўплаб деб-бой китобларни олиб ўқийман. Масалан, "Саётжон ва Ҳамро", "Эврика"га қарши фитна", "Қақнус" операцияси", "Кек юлдузи" ва шунга ўхшаш китобларни ёқтираман. Лекин улар кирилл ёзувида. Қани энди лотин ёзувидаги адабиётларни кўпроқ чиқаришса!

Дилрабо Назирова, 7-"А" синф:  
- Китобга меҳр қўйиш керак. Озода тутиш зарур. Биз лотин ёзувидаги китобларни фақат дареликлардагина ўқимоқдамиз. Лекин дарсдан ташқари вақтда ўқиш учун адабиёт кам. Нозима опам айтган китоблар лотин ёзувида чоп этилса маъна қилиб ўқир эдим.

- Рост айтсан, - қувватлади синфдоши Барнохон Эсонбоева. - Олим бўлиш учун китоб олампидан бохабар бўлиш керак. Ким нима ҳақда ёзилганини чуқур аниқлаб етиш учун ўз тилимиз ва ёзувимизда кўплаб китоблар бўлса қандай яхши!



## ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММО

Демак, болалар китобга ўч. Бундан ҳар қанча қувонсанг арзийди. Лекин, болалар бор ҳақиқатни айтишди. Ўқимишли халқни енгиб бўлмайди. Болалар учун бадиий адабиёт чоп этилиши шу куннинг долзарб муаммосига айланиб қолмоқда. Мен мактаб ҳовлисида кўчага чиқар эканман, ортимга қараб хўрсиниб қўйдим: "Шундай болалари бор ВАТАНнинг келажаги албатта буюк бўлади..."

Саҳифани Собир ЖАББОР тайёрлади.

## КИТОбДАН ЯХШИ ДўСТ Йўқ



Азиз болалар! Таҳририяти-  
мизга республикамизнинг тур-  
ли бурчакларида яшаб, ўқиб  
бидим олаётган тенгдошларин-  
гиздан сон-саноқсиз мактуб-  
лар келади. Улар орасида дунё  
болалари ҳаёти ва ўқув тарзи  
билан яқиндан танишиш ис-  
таги билдирилган мактублар  
ҳам кам эмас. Биз ана шу хо-  
ҳиш ва истакларингизни ино-  
батга олган ҳолда Индонезия-  
нинг Ўзбекистондаги элчихо-  
насининг биринчи котиби  
Бамбанг Дараниндра жанобла-  
ри билан бўлган суҳбатни  
эътиборингизга ҳавола этамиз.

-Хурматли Бамбанг Дара-  
ниндра жаноблари! Индонезия  
болалари учун, яъни уларнинг  
ўқиб, илм олишлари учун қан-  
дай шароитлар яратиб берил-  
ган ва ўқувчиларга бўлган  
эътибор қандай?

-Бизда давлат мактабларига қара-  
ганда хусусий мактаблар жуда кўп.  
Давлат мактаблари болаларнинг  
соғлигини суғурта қилади ва ўқув  
китоблари билан таъминлайди. Ле-  
кин давлат мактаблари билан ху-  
сусий мактабларнинг имтиҳонла-  
ри бир хил бўлади. Хусусий мак-  
табларнинг яхши томони шунда-  
ки, унда бир қанча кўшимча тўга-  
раклар бор. Шарт-шароитлари дав-  
лат мактабларидан анча яхши. Ху-  
сусий мактабларимиз асосан мар-  
казда жойлашган. Биласизки, Ин-  
донезия 17 минг оролдан ташкил  
топган. Шунинг учун хусусий мак-  
таблар ҳамма ерларда очилиши  
қийин. Лекин шунга қарамай чек-  
ка жойларда давлат мактабларимиз

ҳам ҳамма шароитларга жавоб бера-  
олади. Индонезия мактаблари би-  
лан Ўзбекистон мактаблари ўрта-  
сидаги фарқ шундаки, бизда бо-  
лалар хоҳ хусусий мактабда

билан шуғулланидилар. Бир орол-  
дан иккинчи оролга ўтиб, ўзла-  
рига янгидан-янги дўстлар ортти-  
радилар.

## Дўстлик масофа билмас



ўқисин, хоҳ давлат мактабларида,  
албатта пул тўлашлари шарт. Агар  
кам таъминланган оиланинг фар-  
занди дарсларни яхши ўзлашти-  
риб, аъло баҳоларга ўқиса, у мак-  
табда бепул ўқиш имконига эга  
бўлади.

-Индонезиялик болалар қан-  
дай дам оладилар ва бўш вақ-  
тларида нималар билан шуғул-  
ланадилар?

-Бизнинг болаларимиз асосан  
гузал табиат қўйнида дам олиша-  
ди. Бўш вақтларида ота-оналарига  
ёрдам берадилар, спорт ва санъат

Мен Ўзбекистонга келганимдан  
бери ўзбек болалари нималар би-  
лан шуғулланишларига жуда  
қизиқдим. Лекин шунга амин  
бўлдим-ки, Ўзбекистон болалари  
билан бизнинг болалар дам олиш  
пайтларини бир хил ўтказар экан-  
лар.

-Индонезия ва Ўзбекистон  
болалари ўртасидаги дўстлик  
алоқаларини мустаҳкамлаш  
учун нималар қилиш керак деб  
ўйлайсиз?

-Икки давлат болалари ўртаси-  
даги дўстлик алоқаларини яхши-

## БОЛА ВА ДУНЁ

лаш учун аввало уларни бир-бир-  
лари билан яқиндан таништириш  
керак. Бунинг учун эса бизлар ҳара-  
кат қилишимиз зарур. Агар биз  
ўзбек болаларига индонез болала-  
ри ҳаёти ҳақида гапириб берсак,  
индонез болаларини ҳам худди  
шундай ўзбек болалари ҳаёти би-  
лан таништирилса мақсадга муво-  
фиқ бўларди. Мен ўзбек болалари  
билан суҳбатлашганимда индонез  
тилини ўрганмоқчи бўлганларини  
айтадилар. Шунда мен жуда хур-  
санд бўлиб кетаман. Чунки тил  
бидган эл билади. Индонез бола-  
лари ўзга давлатларга ўз санъатла-  
рини намойиш этгани борадилар.  
Бундай борди- келдилар ҳам бо-  
лалар ўртасидаги дўстлик алоқа-  
ларини мустаҳкамлашиши учун  
хизмат қилади.

-Ўзбекистонлик болаларга  
тилақларингиз?

-Мен Ўзбекистон болаларига  
ҳавас қиламан. Уларни келгусида  
ўз давлатларини бутун дунёга яна-  
да танитишларини жуда хоҳлайман.

-Суҳбатингиз учун раҳмат.  
Дарҳақиқат, дўстлик масофа  
билмайди. Биз она-юртимиз  
ўғил қизларининг дўстлари  
дунёнинг ҳамма ерида ҳамиша  
бўлишини истаб қоламиз.

Нигора МИРЗАМУҲАММЕДОВА  
инглиз тилида суҳбатлашди.

Тошкент Давлат

Шарқшунослик

Институтининг талабаси

## ИНГЛИЗ БОЛАЛАРИНИНГ СЕВИМЛИ ҚЎШИГИ

Буюк Британия ва АҚШда болалар боғчадаги даврида ноқ "Чақна, Чақна юлдузча" шеърини ёллаб,  
қўшиқ қилиб айтиб юрадилар. Бу шеър, айниқса унинг қўшиқ шакли бутун дунё болалари орасида  
машҳур бўлиб кетган. Ҳатто Ҳиндистон киноусталари томонидан суратга олинган "Сени сеvim"  
номли бадиий фильмда ҳам бир болакай айнан мана шу "Чақна, Чақна юлдузча" қўшигини инглиз  
тилида куйлайди. Фильмдаги бош ролларни Салмон Хон ва Бхагяшри ижро этганлар.  
Куйида сизларга ана шу қўшиқнинг сўзларини ҳавола этамиз.

## TWINKLE, TWINKLE, LITTLE STAR

Twinkle, twinkle little star,  
How I wonder what you are?  
Up above the world so high,  
Like a diamond in the sky.

When the blazing sun is gone,  
When the nothing shines upon,  
Then you show your little light  
Twinkle twinkle all the night.

Then the traveller in the dark  
Thanks you for your tiny spark,  
How could he see where to go,  
If you did not twinkle so?

As your bright and tiny spark  
Lights the traveller in the dark,  
Though I know not what you are,  
Twinkle twinkle little star.



Шоҳруҳ КАРИМБЕКОВ тайёрлади.

## БИЛАҒОН БОЛАЛАР ДИҚҚАТИГА



Сиз «Тонг юлдузи» газетаси саҳифаларида  
учрайдиган хатоларни албатта топиб, бизга  
ёзиб юборинг. Чунки атайин билағон ва то-  
пағонлигингизни синаш мақсадида ҳарфлар  
тушириб қолдирилади ёки қўшиб қўйилади.  
Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмайди...

Мақсадимиз: билимли бўлинг.

Чунки осмонни юлдузлар,  
ерни эса билимдилар безар.

Сизнинг «Тонг юлдузи»нгиз.

## САЛОМ, «ТОНГ ЮЛДУЗИ»!

Сен ҳақингда мен доим ижобий фикрдаман. Энди бир фикр-  
мулоҳаза юритиб кўрайлик. Ҳар бир саҳифангда ўқувчини уйлашга  
мажбур қилган воқеалар ёритилиб борилади. Сен ўз саҳифаларинг-  
дан хато топишга ундайсан. Кичиклардан катта, катталардан кичик  
илтимос қиласан. Жаҳон тили-инглиз тили, иқтисодиёт фанлари-  
дан сабоқлар ва синовлар бериб борасан. Айниқса, менга «Инглиз  
тилї сиз учун»да чиқаётган сўз ва иборалар жуда ёқди. Чунки,  
инглиз тилини газета орқали ҳам ўрганиш мумкинлигига иқдор  
бўлдим.

Демак, сен ёш авлодни келажакда буюк инсон бўлишида муҳим  
омилдирсан. Тилагим - доимо юлдуз каби порлайвер. XX асрда саҳи-  
фаларинг ортиб, мухлисларинг - жаҳон болалари бўлсин.

Мўътабар ЖУМАЕВА, Навоий вилояти,  
Қизилтепа туманидаги  
37-лицей-интернати ўқувчиси.



Халқимизда маъно ва мазмунга тўла, юракдан чиқиб дилларга кўчган гаплар бисёр. Фарзандларимизни “Кўзим қароғи, умрим чироғи, ҳаётим гултоғи” дея эркалатишларимизда бир олам меҳр, маъно бор. Фарзанд билан оила гўзал, олам гўзал.

Шундай ўй-фикрлар билан пойтахтимиздаги 24-меҳрибонлик уйига етиб келдим. Уйдаги гап баъзан кўчага тўғри келмаслигига яна бир бор ишондим. Чорсу бозоридан қўлида юк билан қайтаётган ҳамроҳимдан бу ердаги меҳрибонлик уйи ҳақида анча кўнгилсиз гаплар эшитдим-у кайфиятим тушиб кетди.

Лекин меҳрибонлик уйига кириверишдаги ажиб манзара кўнглимни ёриштириб юборди. Ўсма, хина, қўлатларгача ва турфа рангдаги чиройли гуллардан тортиб, Эрондан келтирилган хориж аноригача.. Бу ажиб гулзорнинг яратувчилари болаларнинг ўзлари экан. Бундай гўзалликдан кўнглим бироз таскин топсада, юқоридаги шубҳаларим тарқалмасди. Онасини соғиниб йиғлаб ўтирган, ёзнинг иссиқ кунларида Кола, Фанта, музқаймоқ егиси келаётган бола ҳаёлимда тураверди. Кўнгилда, боланинг кўнгли нималарни тусамайди дерсиз? Аммо биз қанчалик куюнмайлик, она бағридек қайноқ меҳрни уларга топиб беролмаймиз. Меҳрибонлик уйининг илмий бўлим мудираси Мавлуда Абзалова ҳам айнан шулар ҳақида гапирдилар.

–Бу даргоҳда болажонларимиз учун ҳамма шароитлар бекамукўст қилинган. Лекин уларга оила давраси ва она меҳри керак, халос. Кўчада қолган болалар, уларнинг тақдири ва келажоғи учун қайғураётган давлатимиз, меҳр-мурувватли инсонларимиз бор.

Зулфия Ҳалилова, Жасур Хонжандиев, Мавжуда Икромова, Рустам Ҳалилов ва Элмира Каримовалар 24-меҳрибонлик уйининг 9-мактаб гуруҳида ўқишар экан. Улардан нега оромгоҳларга бормасдан бу ерда юрибсизлар? – деб сўрасам: “Оромгоҳдан


## БОЛАЛИКНИНГ БАҒРИДА БАҲОР

шу ер яхши”- дейишди.

Гуруҳ қизлари тарбиячи опалари билан бирга карамдан салат тайёрлашаётган экан. Ўғил болалар соя-салқин ўриндиқларда китоб ўқиш билан бандлар. Жасур исми болакайдан «Қандай китоб ўқияпсан», - деб сўрадим.

–Алишер Навоийнинг ёшлиги ҳақидаги китобни ўқияпман, - деди у, китобдан бош кўтармай.

Қалби соғинчга, меҳрга ташна бу болалар худди катталардек ўй сурадилар, фикрлайдилар. Улар билан дардлашиб, кўзимиз эмас, кўнглимиз ҳам йиғлади. Жасуржонни жуда яхши кўрганимдан уйимга олиб бориб тураман, дедилар Мавлуда опа. Бир куни эрталаб шошиб ишга келаётсак, йўлда Жасур менга: Ойимни тушимда кўрдим, деб йиғлаб юборди. “Мен ҳадеб тушга ишонаверма” - дея юпатишга уриндим. Жасур ўша куни жуда хафа бўлиб юрди. Тарбиячининг айтишича, кечаси ҳам ухламай чиқибди. Эрталаб Жасурни етаклаб ўз уйига бошлаб бордим. Чиндан ҳам ойиси касал ётган экан. Жасурнинг холаси ойисига қараб турар экан. Эшикдан кира солиб бола касал ётган онага талпинди, кучоқлаб бир-бирлари билан кўриша кетдилар. Онаси Жасурни бағрига босганича йиғларди, қай-



турибди.

Мавлуда опанинг ушбу ҳикоясидан мен ҳам кўзимга ёш олдим. Ҳаётда тасодиф ва мўъжизалар борлиги учун ҳам, оламда бахтиёрлик бор. Тасодифни қарангки, худди шу куни Самарқанддан бир қайнона ва келин фарзанд сўраб келишибди. Қани энди меҳрибонлик уйлари шундай меҳр билан тўлиб тошса.

Бу ердаги “Кичкинтой дастаси” иштирокчилари шодлик улашишарди. Ёш бўлсалар-да, катта саҳналарга чиқиб кўшиқлар куйлашади.

Тушлик вақти. Ошпаз опалари Бибисора Абдуқодированинг ширинширин таомлари болаларни кутарди. Тандирдан узилиб, саватларга солинаётган иссиққина сомсанинг хушбўйи ҳиди болалар димоғига урилди. Фақат бугун эмас, дейдилар Мавлуда опа, - биз байрамларда болаларга норин, ток оши, патир нонларгача берамиз.

Меҳрибонлик уйининг 160 нафар ўқувчилари Собир Раҳимов туманидаги 191-196 мактабларда таълим олишар экан. Кичик ёшдаги болалар гуруҳининг ёнидан ўта туриб, ҳаёлимда бир ўй кечди: “Қандай оналар эканки, бир-бирдан ёқимтой, ширинтой болаларни ташлаб кетишса?!” Мавлуда опа дилимдаги гаплар-

ни англадилар чоғи, шкафдан бир қанча ҳужжатлар сақланаётган айрим хатлардан ўқиб бердилар. Сардор Пармонов ва Нуждина Натальяларнинг оналари ёзиб қолдирган хатлар: “Оиламдаги шароитим оғирлиги ва боқолмаслигим сабаб, боламдан воз кечдим. Ким фарзандликка олса даъвойим йўқ”.

Боласидан осонгина қутилган бундай оналар хатлари талайгина экан.

Меҳрибонлик уйининг директори Дилфуза Зайниддинова билан қилган суҳбатимиз фақат муаммолар ҳақида бўлди.

Бу йил боғча типидagi биномиз умумий таъмирга муҳтож. Ҳомийларимиздан шаҳар ёнғиндан сақлаш бош бошқармаси ва Ўзбексавдо акциядорлик компанияси. Биз истардикки, бундай ҳомийлар сафи кенгайса.


Шу ўринда қалби саховатга, кўнгли мурувватга тўла икки инсонни жамоамиз ва болаларимиз ҳурмат билан тилга олишади. Булардан бири: Гофур ака Раҳимов ва Зафар Файзиевлардир. Қалба иймон нури бўлган бу азиз ҳамюртимизга мактуб орқали биз миннатдорчилик ҳам билдирдик.

Инсонга меҳр ҳар бир қалба бўлгани яхши. Ана шу меҳр, кунлар келиб ўйчан болаларнинг маъносиз кўзларидан армонларини қувиб юборса шояд.

Маъмура МАДРАҲИМОВА.



## рўёбга чиққан орзу



никига олиб бораман, у киши холамни ўғли бўлади!», - деб мактаниб кўйдим.

Ўша куни кечқурун Миразиз акамникига чиқиб, ўртоқларим шоир бўлмоқчилигини айтиб берганимда у киши кулимсираб: - Демак бугун мактабдаги шоирлар билан бўлиб ўтган учрашув сизларга ёқибди-да. Ундай бўлса ўртоқларингга айт, ҳар якшанба куни биргалашиб бизникига келаверсин, ўзим уларга шоирликни ўргатаман, - дедилар. Тўрт бола ҳар якшанба куни Миразиз акамникига келадиган бўлди. Биринчи қиладиган ишимиз “Фунча”-даги шеърларни ёдлаб олиш, ҳико-

яларни эса яхшилаб ўқиб чиқиб, мазмунини сўзлаб бериш эди.

Хуллас, шу орада тўртталамиз бир дафтардан шеър ва ҳикоялар ёзиб ташлаган эдик.

Миразиз ака ҳаммамизни шеър, ҳикояларимизни бирмабир кўздан кечиргач: - Ҳозирча улар ўзларингизда эсдалик бўлиб қоладиган илк машқлар, сизлар ҳозирги кунда мактабда яхши ўқишингиз керак - деб шеърни, ҳикояни қандай ёзиш кераклигини худди ўқитувчилар дарс ўтгандай сўзлаб берар эдилар.

3-4 ой Миразиз акамникига қатнаб юрган ўртоқларим, кўп китоб ўқишдан дангасалик қилиб,

### Устозларга ташаккур

шоирликдан воз кечди. Мен ёлғиз ўзим қолганимга қарамай, ёзган нарсаларимни Миразиз акани олдиларига олиб чиқавердим. Ва шу орада “Фунча” журналида бирин-кетин топишмоқларим, шеърларим босила бошлади. Ўша кезлари шоир бўлмасам ҳам журналист бўлишни орзу қилган эдим. Ва ниҳоят, бу соҳада орзуимга эришиб, 35-йилдан бери Республикамиздаги кўплаб газета ва журналларда иложи бориша ўз овозим билан қатнашиб келмоқдаман.

Шу соҳага устозлик қилган шоир Миразиз Аъзамдан чексиз миннатдорман.

Саидмурод САИДАҲМАД.

### Таҳририятдан:

Ким қаерда меҳнат фаолиятини бошламасин, албатта унга кимдир устозлик қилади. Ҳеч ким, ҳеч нарсани она қорнидан ўрганиб тушмайди.

Биз шу томонларни ҳисобга олиб газетамизда янги “Устозларга ташаккур” руқнини ташкил қилдик.

Ҳоҳлаган газетхонимиз ўз устозлари ҳақида шу руқн орқали ҳикоя қилиши мумкин.

Марҳамат дўстлар, устозларингиз ҳақида ёзиб юборинг.



Muhabbat HAMIDOVA

## «YANGI UCH OG'INI BOTIRLARNING SARGUZASHLARI»

(Kichik yoshdagi bolalar uchun jajji qissa)

(Boshi o'tgan sonda).

### SARDORNING QUSHLARI

- Oyi, oyi, palaxmonimni ko'rmadingizmi? - uyga yugurib kirdi Farhod.

- O'yinchoqlar turadigan qutini qarachi, - dedi ichkarida o'rin yig'ayotgan oyisi.

- Palaxmonimni nima qilasisiz? -

boyadan beri to'shakda ag'anab yotgan Sardor o'rnidan irg'ib turdi.

- Rosalik qor yog'ibdi.

Hammayoq oppoq. Daraxtlarni ko'rsang shoxlari to'la qush. Bir-ikkitasini urib tushirsa...

- Voy-voy-voy, hechamde! Ular

m e n i i chug'urchularim. Don berishimni

poylab turishgan. - Sardor shoshib-pishib kiyinarkan oyisiga yalindi: - Oyi, akamga ayting qushlarga tegmasin!

Hoh, gapini, qanaqasiga sizzi qushiz bo'larkan. Xudoni qushi. Bore, ber palaxmonni, - Farhod qo'lga tirmashgan Sardorni siltab tashladi. - O'g'il bola mergan bo'lishi kerak. Merganlikni o'rganmoqchiman.

Sardor akasidan oldin ko'chaga otlandi. Farhod ergasharkan tayinladi: - Sekin ot, cho'chitvorasan.

Sardor ombordan kaftiga don to'ldirib chiqdi. Hovli o'rtasiga o'tdi. Xurmo daraxtiga o'tirgan qushlar Sardorni tanib, chug'urlashishdi. Oq tamoq par etib uchib shundoqqina Sardorning yoniga qo'ndi. Sardor qo'lidagi bug'doyni sochdi. Jasur qushcha tap tortmay donlashga tushdi. Keyin «kelaveringlar» deganday sheriklariga qarab chag'-chag'lab qo'ydi. Shuni kutib turgan qushlar birin-ketin uning yoniga tushdi. Birpasda hovli qushlarga to'lib ketdi.

Qushlarning shoshib-pishib don yutishini kuzatib turgan Farhod yana bir piyola bug'doy olib keldi. Uning sharpasidan cho'chigan qushlar «gur» etib havoga ko'tarilishdi-yu don ilinjida uzoqlasholmay devorga qo'nishdi.

-Sardor, rostdan ham qushlaring seni tanisharkan-a, dedi Farhod. - Chaqiraqol, to'yib olishsin, men berkinib turaman.

-Berkinmang, donni sepingda o'zingiz chaqiring, darrov kelishadi. Ular yaxshi bolalarni tanishadi, - dedi Sardor bir akasiga, bir qushlarga qarab.

### DUMSIZ QOLGAN MUSICHA

Ochiq qolgan ayvon eshigidan uchib kirgan musicha deraza raxiga qo'ndi. Shu choq ichkaridan vajahat bilan Mosh chiqib keldi. Musicha munchoq ko'zlari bilan uni ko'rdi-yu jon-poni chiqib ketdi. Keyin huddi uni birov quvganday shoshib uy ichini bir-ikki aylandi. Biroq, qo'rquvdanmi, hayajondanmi hozirgina kirgan eshigini topa olmadi. Top-toza deraza oynasi ko'ziga sezilmadi shekilli, chiqib ketmoqchi bo'lib o'zini o'sha yoqqa urdi. Biroq, to'siqqa uchrab qulab tushdi. Mosh avvaliga nima gapligini tushunmadi. Bunday qarasa semizgina musicha deraza, tagida yotibdi. Bir mazza qilmoqchi bo'lib o'zini o'sha yoqqa otdi. Biroq, mo'ljalni noto'g'ri oldi shekilli, boshi bilan romga urildi. Joni og'rib,

«miyov» deb yubordi. Shovqin-suronga ichkarida televizor ko'rib o'tirgan Farhod yugurib chiqdi.

Sharpani sezgan musicha yana uchib borib o'zini derazaga urdi. Farhod darrov eshikning ikkinchi tabaqasini ochdi. Deraza tepasiga ilgak solingan ekan. Derazani ocholmadi.

-E, lapashang, namuncha hovliqasan,

ana eshikni lang ochib qo'ydim, bo'laqol, - musichaga gapirdi Farhod. -

M o s h d a n qo'rqma, hozir haydavoraman.

Mosh Farhodni tushundi, ochiq eshikdan yugurib chiqib ketdi.

Musicha bo'lsa hamon o'zini behuda koyitardi. Oxiri charchab, deraza raxida to'xtab qoldi. Farhod yugurib borib ushlar moqchi bo'ldi. Farhod qo'lida uning dumigina qoldi. O'zi uchib ketdi.

- Farhod aka, qarang dumi yo'q musicha, - qo'lida koptogi bilan ko'chadan yugurib kirgan Sardor akasini chaqirdi-da, devorda turgan musichani ko'rsatdi.

- Mana, dumi manda, - dedi Farhod qo'lidagi bir siqim patni ko'rsatib. Dumsiz musicha Farhodning ko'ziga juda kichkina, ojiz ko'rinib ketdi. O'zidan juda jahli chiqdi.

- Bechorani endi o'rtoqlari «lisiy bashka» deb masxara qiladi, - achindi Sardor. Shu payt musichaning yoniga ataylab qilganday chiroyli dumlarini parpiratib boshqa bir musicha qo'ndi. Kelgan musicha «nima bo'ldi» deganday uning qulog'iga gapirdi. Keyin tumshug'iga-tumshug'ini qo'yib «ku-ku» deb qo'ydi. Dumsiz asal qaddini ko'tardi. Lekin kutilmaganda ular yonida tomoqlariga chiroyli sepkil urilgan uchinchi musicha paydo bo'ldi. Avval kelgan musicha sekin uning yoniga surildi. Qanoti bilan turtib qo'ydi. Keyin ular birga uchib ketishdi. Dumsiz musicha esa mung'aygancha qolaverdi.

- Bechora, o'zingda shoshilding. Shundog'am qo'yvormoqchiydim. Meni kechir. Xohlasang duming chiqquncha biznikida qolaqol, kanarekaning qafasida joy bor, - taklif qildi Farhod.

Musicha munchoqday qora ko'zlarini undan ancha payt uzmay turdi, taklifni o'yladi shekilli, keyin indamasdan uchib ketdi. Biroq tez-tez hovlida paydo bo'lib qolar, hamon yolg'iz edi.

- Dumidan uyalib, hech kimga qo'shilmayapti, - ezilib o'ylardi Farhod har gal uni ko'rganda. Keyin darrov oldiga non ushoq, kurnak sepib qo'yardi. Endi musicha ham unga o'rganib qoldi. Farhod hovluda ko'rindi deguncha yetib keladigan bo'ldi. Lekin bir hafta bo'ldi ko'rinmay qoldi. Og'a-inilar esa uni kutishardi.

Ko'cha-ko'yda, o'rtoqlarinikida ko'ringan musichaga tikilib qarashar, bizni dumsiz emasmikin, o'ylashardi-da.

Yakshanba kuni ertalab to'satdan ikkita musicha paydo bo'ldi. Avval osmonda rosa o'yin ko'rsatishdi, keyin bir sho'ng'ib pastga-hovliga qo'nishdi.

-Aka, qarang o'zimizning musicha, - suyunib ketdi Sardor.

-Yo'g'-e, ikkalasiniyam dumi bor, chiroyiligini qara, - ishonmadi Farhod.

-O'sha, men taniyman, chap qanotida oq dog'i bor. Zo'r dum o'sib chiqibdi, judayam chiroyli-ya, - o'zinikini ma'qulladi Sardor.

Musicha ham «tanidinglarmi, men o'shaman», deganday bolalarning yonidan viqor bilan yo'g'alab o'tdi. Keyin sal narida yotgan hasni tishlaganicha ko'kka parvoz qildi. Baqaloqroq hamrohi unga ergashdi.

-Musichalaringiz yaqinda jo'ja ochadi, ana qarang, - molxona to'sini orasidagi oddiygina uyda tuxum bosib yotgan musichaga ishora qildi Sardorning buvisi.

### MOSH XAFA BO'LDI

Rustam Moshni juda yaxshi ko'radi. Mosh ham uni ko'rdi deguncha yugurib yoniga keladi. Qip-qizil tilchasini chiqarib «arz»ini aytadi. Rustam uning miyovlash ohangidan nima demoqchiligini tushunadi. Bir gal ovqat bersa, bir gal suv tutadi, boshqa safar eshikni uydan chiqarib yuboribdi. Oyisiga bildirmay pishloq, kolbasa, tuxum bilan mehmon qiladi.

Biroq Mosh Rustamning oyisidan judayam qo'rqadi. Chunki tuzdonda qolgan go'shtni o'g'irlab paqqos tushirayotganda, tovuqxonadagi tuxumni tinchitib, lab-lunjini ham artmay kerilib ta'zirini yegandi. Yaxshiyam Rustam bor, yalinib -yolvorib uyda olib qolgan. Ammo bugun o'sha Rustamning o'zi Moshni xafa qildi...

Bog'chadan qaytishlari bilan Rustam uyga ham kirmay oshxonaga yugurdi. Qorni ochgandi-da. Qarasa, xontaxta ustida bir kosa qaymoq turibdi.

-Oppoq, oppoq qaymoqjon, shirin-shakar qaymoqjon, seni rosa sog'ingandim-da, o'ziyam, - u kichkina barmog'ini kosaga tiqib olib yaladi, - Mazza!

Rustam qaymoqni juda yaxshi ko'radi. Har doim oyisi uning o'ziga katta piyolada bir piyola qaymoq beradi, biroq hozir Targ'iloq buzoq kutayapti, sut yo'q. Oyisi o'rtoqlariga «sigir dekretnda» deb hazillashadi. Rustam shoshib-pishib savatdagi issiq nondan sindirib oldi-da qaymoqqa to'g'radi. Oyog'iga surkalgan Moshga ham ikki-uch bo'lak qaymoqli non tashladi. Qorni to'ygach, bunday qarasa, qaymoqni yeb bo'lay debdi.

-Ishimiz chatoq Moshvoy, endi oyimga nima deymiz, - qo'rqib ketdi Rustam. Keyin jilmaydi, - bunday qilamiz, - barmog'ini kosaga botirib oldida, - Moshning lab-lunjiga, mo'ylovlariga surtdi. Hech narsaga tushunmagan Mosh shoshib-pishib lab-lunjini yalab oldi. Biroq mo'ylovini unutdi...

- Rustamjon, qayoqdasan, tezroq yechinaqol, choy ichib olasizlar, - chaqirdi oyisi.

Rustam Moshga «jim» deganday labini ustiga barmog'ini qo'ydi, keyin yugurib uyga kirib ketdi.

Muattar opa Sardor bilan Farhodni qo'llarini yuvdirib, dasturxon atrofiga o'tqazdi. Issiq non yopganman, qaymoq bilan yeysiz.

-Oyi, menga kulcha ham yopdingizmi, - so'radi Sardor.

-Qaymoqni qattan oldiz, sigirimiz tug'magan-ku? - hayron bo'ldi Farhod.

-Axat tog'ang, jiyanlarim bir mazza qilsin deb tashlab ketdi.

-Biz ham sigirimiz tug'sa ularga qaymog'imizdan beramiz-a, oyi, - kulchaga qo'l cho'zdi Sardor.

Muattar opa kosa yuziga to'ntarilgan likopehani oldi-yu, xayron bo'lib qoldi: - iye, qaymoq qani?

Bolalar ham hayron bo'lib bo'sh kosa qarashdi.

-Topdim uni Mosh ichib qo'ygan, - dedi Farhod.

-Mana, rostdan ham, mo'ylovlarigacha qaymoq yuqi, ochopatning, - deb Sardor xontaxta tagida bemalol uxlab yotgan Moshni sudrab

chiqdi-da, oshxonaning ochiq eshigidan otib yubordi.

-Voy, Mosh bo'lmay ketsin, qaymoqqa non to'g'rab yebdi-ya, - bosh chayqadi Muattar opa.

Nima gapligini tushunmagan Mosh otilib chiqarkan Rustamga urilib ketdi.

-Aka, Moshingiz o'g'ri ekan, qaymoqni ichib qo'yibdi, - chug'urlashdi Sardor bilan Farhod baravariga.

-Ha, boya oshxonaga kirganimda Mosh shu yerda yuruvdi, - dedi Rustam beparvogina.

Bu payt oshxona oldidagi o'rik daraxti shoxiga chiqib olgan Mosh Rustamga qarab «uyatsiz» deganday g'alati miyovladi-da bir sakrab, oshxona tomiga o'tib ketdi. Shu ketganicha bir hafta qorasini ko'rsatmadi.

-Qurmag'ur, mushuk qayoqqa ketib qoldi, daydivoy. Omborni sichqon bosib ketibdi. Uning qopini teshib qo'yishmasinda ishqilib, - dedi tushlik qilib o'tirishganida buvilari.

-Bilmadimu, Mosh bizdan xafa, boya bog'chada yurganini ko'rdim, chaqirsam kelmadi, - dedi oyilari sekin.

-Ajab bo'lsin, kim unga o'g'rilik qilsin debdi, - dedi Sardor.

-Mosh juda farosatli mushuk. Anchadan buyon o'g'rilik qilmay qo'ygandi.

Sichqon tutishga juda ustaydi, boyaqish, - dedi buvisi yana.

-Ayb ustida ushlab olib urganimda ham qochib ketmasdan, oyog'imga surkalib

yalingandi. Bu gal tuxmatga qolgani uchun arazladi, - Muattar opa shunday deb Rustamga qarab qo'ydi.

Ovqatdan so'ng Rustam hech kimga bildirmay bog' tomonga o'tdi. Mosh ariq chekkasida nimanidir poylardi. Rustamga ko'zi tushishi bilan «nega kelding, ovqat xalaqit berma» deganday yunglarini xurpaytirib, o'rnidan turdi. Ko'zi yonib vag'illadi.

-Mosh, jon Mosh, ma, pish-pish, - Rustam qo'lidagi kichkina go'sht parchasini uning oldiga tashladi. - Meni kechir, oyimga to'g'risini aytdim. Yuraqol endi uyga.

Bellarini bukib, vajahat bilan turgan mushuk birdan yuvosh tortib qoldi. Rustamga bir qarab qo'ydi, biroq go'shtga tegmadi. Ariqdan sakrab qo'shni hovliga o'tib ketdi...

Endi kechki ovqatga otirishgandi hamki, oshxona eshigi qitirib ochildi-da, Mosh mo'raladi. Ostonada to'xtab, hammaga bir-bir mo'ralab chiqdi. «Miyov» deb salomlashdi.

-Rustamjon, ana mushuging keldi, - dedi oyisi qo'lidagi kosani xontaxta ustiga qo'yarkan.

-Mosh, ma, pish-pish, kelaver, - baravariga chaqirishdi bolalar.

Bundan dadillangan Mosh bir sakrab karavotga chiqdi. To'g'ri bo'lib Rustamning tizzasiga o'tirdi.

(Davomi bor).





Таниқли санъаткорлар, хонандаю созандалар, бастакорлар ҳаёти, ижоди, сеvimли машғулот, кўйингчи, турмушдаги икир-чикирларига барчамизни қизиқтириши табиий. Айниқса, сиз болажонлардаги қизиқиш катта. Ана шундай таниқли инсонлардан бири - сеvimли баста-

ти билан бўладиган тантаналарга Ўзбекистондан делегат қилиб юборишади. У ерда бўлиб ўтган ёш мусиқачилар конкурсида 1-ўринни

# ЛОЙТ АМИ БЎЛИМЧИ ОРЗУДАТ АН БАСТАКОР



коримиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, телерадиокомпаниянинг эстрада симфоник оркестрининг бадий раҳбари ҳамда бош дережери Алишер ака Икромов билан суҳбатлашиш нияти туғилганида, салобатлари босдим, "Суҳбатимиз қандай ўтаркин?" дея бироз иккилангандик. Буни қарангки, Алишер ака ўта камтарин, самимий, ҳазилкаш инсон эканлар. Бизни илиқ қарши олиб, ҳатто конферанс билан сийладилар ҳам. Суҳбатимиз давомида болалик чоғлари, орзу-умидлари ҳақида, "Артек" оромгоҳига борганларида уларга лойиқ маҳсус кийим-бош топа олишмагани, ҳаммадан орқада, худди туристлардек юрганлари, "Пепси-кола"ни илк бор илиқлигича ичиб қўйиб, ухлаб қолганлари... Хуллас, ёдларида қолган кулгули воқеалардан сўзлаб бердилар.

Алишер аканинг оиласида санъаткорлар йўқ, оталари қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, оналари шифокор эканлар.

- Болалигимданок мусиқага ихлосим баланд бўлса-да, бастакор бўламан деб ҳечам ўйламагандим, пойгачи бўлишни орзу қилардим, - дейдилар Алишер ака. Шундан бўлса керак, ўйинчоқ пойгабоп машиналаримнинг саногий йўқ эди. Дунёнинг ишларини қарангки, ҳозир ўз машинамни ҳам минишни билмайман. Уйимизда бобомдан қолган эски пианино бўларди. Ҳар куни бечорани "қийнаб" чалаверардим. Қандайдир товушлар, оҳанглар чиқариб кўрардим. Беш ёшлигимда ўз ҳолимча 8-актли "Туш" номли миниатюра басталаганман.

Боланинг инсон бўлиб-шаклланишига, бирор касб эгаси бўлиб, келгусида ҳаётдан ўз ўрнини топа олишига кимдир, нимадир туртки бўлиши табиий. Буни қарангки, 5 ёшли Алишернинг яратган асари унинг Успенский номли мусиқа мактабига имтиҳонларсиз қабул қилинишига, келгусида истеъдодли бастакор бўлиб, етишишига туртки бўлибди. Мактабда учта касб бўйича: пианиночи, мусиқашунос ва бастакорликдан таҳсил олди. Аъло ўқиши, иқтидори, туғма қобилияти билан барчага намуна бўлган Алишерни 1975 йилда "Артек" оромгоҳининг 50-йиллик юбилейи муносаба-

олиб, кўксидан олтин медаль билан лауреат бўлиб қайтади. Шу йили "Бахтиёр ёшлик" номли гуруҳ ташкил қилиб, куй ва кўшиқлари

## ЎЎҒОҚЛИК

Қалбимнинг тубида улкан дард ила,  
Яшайман худсиз зулмат қаърида.  
Занглаган темирдек кўринар тилла,  
Заминнинг чўғдайин қайноқ бағрида.  
Наҳот орзу-ҳавас муздайин қотди,  
Шижоат куёши нур сочмай ботди?

Савол назарила осмонга боқиб,  
Ҳасратим сўзлайман унсин юлдузга.  
Қайгу гулханида юрагим ёқиб,  
Тақдир зор айлади нечун кундузга?  
Жавоб бергувчидай саволимга тез,  
Йўқ бўлдинг сирдошим, қайларга шу кез?

Менга айрилиқнинг тўрин ташлама,  
Энди келмайман деб бағрим ғашлама.  
Майли саволимга жавоб керакмас,  
Тим қора самода порлаб турсанг бас!  
Нолам тинглаётган бу мушфиқ фалак  
Бағрин тинглаётган ой кўкда халак...

Ой дейди ўзингни қилмагин адо,  
Йўқса мендек эрта бўласан гадо.  
Қара, ҳатто менинг юзимда бор доғ,  
Сенинг юзинг эса гуллаган бир боғ.  
Бас! Таъна кишанин парчалаган тур,  
Ҳаётинг йўлини қуёш томон бур.

Рухсиз танамга жон берди ой сўзи,  
Очилди туйғумнинг мудраган кўзи.  
Одамлар, очингиз кўзларни сиз ҳам,  
Уйғоқлик дилларга бўлади малҳам.  
Бу сўзлар айтилди ожиз бир тилдан,  
Муножот қаламила ёзилди дилдан.

Муножот САДРИДДИНОВА,  
Алишер Навоий номли  
нафис санъат  
лицейининг 9-синф ўқувчиси.

билан телевидение орқали тез-тез кўрина бошлайди. Ўзбекистон ёшлари ижодига бағишланган пленумда Алишер ака "Энг'ёш бастакор" сифатида иштирок этгани унинг ҳаётидаги унутилмас воқеалардан бирига айланган. 7-8 ёшлик чоғлариданок катта оркестр учун куйлар басталаб, профессионал бастакор сифатида танила бордилар. Талабалик йилларида саната, романс, квартет сингари турли жанрларда ижод қила бошладилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон радиосида фаолият кўрсатаётган Алишер ака болаларнинг ҳам катта дўсти, Аваз Исомухамедов, Азиза Мўйдинова, Шаҳноза Алимова, Нигора Хўжамқулова сингари ёш истеъдодларнинг меҳрибон, шунингдек, ўта талабчан устози ҳамдирлар. "Болалар учун куй ёзсам, яйраб кетаман", - дейди бастакор. Болаларнинг сеvimли дастаси "Севинч" билан ҳамкорликда "Жон Ўзбекистон", "Дадажонимнинг туғилган куни", "Қизғалдоқ" каби кўшиқлар яратди. Бундан ташқари Республика кўғирчоқ театрида саҳналаштирилган "Бахт изловчи Ҳасан", "Оловуддиннинг саргузаштлари" каби ўнлаб спектакллар, Муқимий театрида саҳналаштирилган "Тилло тухум", "Янги йил саргузаштлари" мусиқали саргузашт эртаклари, "Ҳамза" театрида намоиш этилган "Шум бола" спектакллари учун ҳам Алишер ака куй басталаганлар.

Алишер аканинг Тамила ва Мадина исмли қизлари ҳам санъатнинг ашаддий ихлосмандлари экан. Тамила кўшиқ куйлашни ёқтирса, Мадина эса куй чалишнинг машқини оляпти. Келгусида бу қизалоқлар ҳам дадалари сингари машҳур инсон бўлсинлар, - деймиз. Чунки, Алишер Икромовни ҳамма танийди. Сиз ҳам дарров танидингиз-а, болалар?..  
Дилфуза ТОЖИБОЕВА.

## САЁҲАТГА БОРДИМ

Мен таътилни мароқли ўтказяпман, десам ҳеч муболага бўлмайди. Чунки ҳар бир кунимни фойдали ишларга сарфляпман. Ойимга уй ишларида кўмаклашиш, укаларимга қараш, кўй-кўзиларимизни боқиб каби ишлар билан машғулман. Шаҳарлик болалар каби оромгоҳларга боришни, бирор ерга саёҳат қилишни анчадан бери орзу қилиб юрардим. Бунинг учун албатта маблағ керак бўлади. Шунинг учунми, худди тадбиркор болалардек ўзим пул топишни кўзладим. Яна ота-онаси пул топишга мажбур қилишар экан, деб ўйламанг. Ахир бутун таътил давомида бекор юравермайман-ку. Тоғамдан йўл-йўриғ сўраб, ўстим Муҳаммадjon ва укам Зоҳидjon билан гишт куймоқчи бўлдик. Тўрттадан гишт чиқарадиган қолипга аввал кумдан озгина солиб, кейин тайёр бўлган лойларни куйдик. Уни текис, тоза ерга ағдардик. Гишларимиз пишиққина бўлди. Шундай қилиб биз кунига 250 тадан гишт куйдик. Офтобда қуриган гишларни бир чеккага тахлаб улгурмасимиздан харидор келиб, уларни сотиб олди. Биз ишлаб топган пулимизни дадамга бердик. Дадам: «Барака топинглар, худо хоҳласа, юзимни ерга қаратмайдиган фарзанд бўласизлар», - дедиларда бизни саёҳатга олиб боришларини айтдилар.

Биз аввал Олма-отадаги тоғамникига, кейин Тошкентдаги амакимникига меҳмонга бордик. Тоғам истироҳат боғига, циркка, ҳайвонот боғига олиб бордилар. Мен у ерда жуда антиқа томошаларни кўрдим. Амаким эса катта йиғилишга олиб бордилар. У ерда катта олимлар, машҳур шоир ва ёзувчилар, таниқли артистлар сўзга чиқдилар. Мен ойнаи жаҳон орқали кўрадиган инсонлар билан ёнма-ён ўтирганимга ҳеч ишонгим келмасди. Уйимизга олам-олам таассуротлар билан қайтдик. Энди мактаб бошланса, синф раҳбаримиз Фотима Абдурахимова «Таътилни қандай ўтказдингиз», - деб сўрайдилар. Шунда мен барча кўрганларимни ҳаяжон билан сўзлаб бераман.

Маҳмудjon ЖИЯНОВ,  
Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги  
14-мактабнинг 6-синф битирувчиси.

## СУТ, ҚАТИҚ, ҚАЙМОҚЛАР БОР..

Мен ўзимнинг тадбиркорлик фаолиятимни сут маҳсулотларини етиштиришга бағишламоқчиман. Фермер хўжалигимизга «Саховат» деб ном қўймоқчиман. Бунинг учун давлатдан кредит олиб 150000 сўмдан 15 бош сигир сотиб оламан. Уларга боқувчи, соғувчини ишга оламан. Бир кунда ўн бешта сигирдан 225 литр сут олинса, бир йилда 67 500 литр сут бўлади. Шунда сутни сепаратордан чиқариб қаймоқ, увитиб қатиқ, сўнгра сузма ва курт тайёрласа бўлади. 67 500 литр сутнинг ўзи 60 сўмдан 4050 000 сўмни ташкил қилади. Давлатдан олган 4 000 000 сўм қарзни қайтарсак, соф фойда 50 000 сўм бўлади. Энди қаймоқ, сариёғ, қатиқ, сузмалардан олинадиган фойдани бир кўз олингизга келтиринг. Албатта бу айтишга осон. Амалга ошириш учун машаққатли маҳнат қилиш керак бўлади. Лекин мен ота-онам маслаҳатларига қулоқ солиб иш тутмоқчиман. Ўзимнинг рекламани сизга ҳавола этсам.

Соғлом юрай десангиз, бизнинг саховат фермер хўжалигида етиштирилган олий навли маҳсулотлардан тайёрланган қаймоқ, сариёғ, қатиқ, сузма ва пишлоқ каби маҳсулотларни арзон нархда харид қилишингиз мумкин. Саховат фермер хўжалигига марҳамат.

Ўктам АҲМЕДОВ,  
Навоий вилояти, Қизилтепа тумани,  
А.Дониш номли 18-мактаб ўқувчиси.



# Тенгдошларинг шажоғи



*Наргиза Рихсиева Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 15-мактабнинг 7-синфини муваффақиятли тамомлади. Аъло ўқиш билан бирга шеърлар ҳам машқ қилади. Турли мавзуларда кичик-кичик мақола, хабар ва лавҳалар ёзиб, газетамизнинг фаол мухбирларидан бирига айланган. "Мўъжизалар қасри", "Сўнги кўнги-роқ" каби мақолалари, "Онажоним", "Ўзбекистон", "Дўстлик" каби шеърлари шулар жумласидандир. Наргиза бирор воқелик ҳақида шунчаки эмас, жиддий фикрлаб, мулоҳаза қилиб, ўй-фикрлари билан уйғунлаштириб ёзади. Шунинг учун ҳам мақолалари тенгдошларини баҳсга, мунозарага чорлайди.*

## ШУНЧАКИ ЭРМАК ЭМАС

Футбол - Жабборнинг энг сеvimли машғулотидир. У ҳатто беш дақиқали танаффусда ҳам футбол майдонига тушиб, тўп тепишни ёқтиради. Бошқа болалар учун футбол

шунчаки эрмак бўлса, Жаббор учун жиддий машғулот, келажакдаги орзуларига пиллапоядир. Чунки, у улғайгач моҳир дарвозабон бўлиб, юртимиз шарафини дунёга ёйсам дейди.

Маҳалладаги тенгдошлари билан футбол ўйнайдиган бўлса, нафақат болалар, балки катталар ҳам зўр қизиқиш билан томоша қили-

шади. Зарб билан тепилган тўпни моҳирона тутиб олганида, олқишу қарсақларга кўмиб ташлашади. Унга ҳатто "Роналдо" деб ном ҳам беришган. Жаббор бу номга муносиб бўлиш учун тинимсиз машқ қиляпти.

*Наргиза РИХСИБОВЕВА.*

### ХУР ВАТАН

Хур Ватан, хур Ватан,  
Бағринг тўла нур Ватан.  
Юртбошинг омон бўлсин,  
Буёқ давлат қур, Ватан!

Осмон беғубор, қаранг,  
Қир яғриндор, кенг даланг,  
Битсин кўнгилдан яранг,  
Истиқболга юр, Ватан!

Тўрт тарафда қардошлар,  
Маъраканда қурдошлар,  
Меҳнатсевар юртдошлар,  
Давру даврон сур, Ватан!

Хур Ватан, хур Ватан,  
Бағринг тўла нур Ватан.  
Юртбошинг омон бўлсин,  
Буёқ давлат қур,  
Ватан!



### ЎЗБЕКИСТОН АСКАРИ

Ўзбекистон аскари,  
Қарчиғай, ботир бари.  
Беғубор қалби кўшиқ,  
Тилида янгроқ кўшиқ.

Ўзлари эл дилбанди,  
Юрт шуларга суянди.  
Кўриқлар ер - осмонни,  
Ардоқлайди инсонни,

Ўзбекистон аскари,  
Қарчиғай, ботир бари.

### ШУХРАТ ҚУЧАМАН

Боғларингда гулларинг чаман,  
Гулларингдан шарбат ичаман.  
Шу гўзал юрт мадҳини куйлаб,  
Мен ҳам бир кун шухрат қучаман.

Ватан меҳри менга кўш-қанот,  
Эркин қушдай кўкда учаман.  
Ватанимни мадҳин куйлашга,  
Булбул билан баҳсга тушаман.

Яхшиликнинг уруғин қадаб,  
Яхшиликдан ҳосил ўраман.  
Истиқболи порлоқ Ватанда  
Иқболимни порлоқ қураман.

Боғларингда гулларинг чаман,  
Гулларингдан шарбат ичаман.  
Шу гўзал юрт мадҳини куйлаб,  
Мен ҳам бир кун шухрат қучаман.

*Камола ФАЗЛИЕВА,  
Ургут туманидаги  
"Иқбол" лицейининг  
7-синф ўқувчиси.*

### СУЮНЧИ БЕРИНГ!

Амакимнинг тугилган куни муносабати билан йиғилган меҳмонлар ва оила аъзоларимиз чақалоқ дунёга келганини эшитиб, жуда ҳам шу куни ҳурсанд бўлиб кетишди. Амаким ҳам ўғил фарзандли бўлганларидан қувончлари чексиз эди. Меҳмонлар хонадонимиз кенжатоғига исм танлаш билан овора. Жиянларим эса суюнчи йиғиб, хушхабар тарқатиб юришибди. Қувончимизга бутун маҳалла шерик бўлди.

Бобомнинг севинч тўла кўзлари меҳр билан порлайди: «Бундай бахтли кун барчага насиб этсин, чақалоғимиз катта, ақлли, бахтли бола бўлсин», - дея қайта-қайта дуо қилдилар.

Жиянимга атаб мен ҳам тўрт қатор шеър ёздим:

*Жажжи чақалоқ келса дунёга,  
Хонадон тўлади нурга, зиёга.  
Унинг кулгулари келтириб қувонч,  
Буёқ келажакка уйғотар*

*ишонч.  
Машҳура ҚАҲҲОРОВА,  
Тошкент туманидаги  
Х. Абдуллаев номли  
мактаб ўқувчиси.*



### БУВИМГА

Менинг бувим аjoyиб,  
Ертақларин севаман.  
Биринчи маошимга  
Кў'ялак олиб бераман.

Мен биламан, бувижон,  
Bayram ҳам yaқин екан.  
Sizga nima keragin  
Koshkiydi bilsam екан.

Ha, o'y lab topdim sizga  
Kerak albat ko'zoynak.  
Ertak o'qib berasiz,  
Tilayman yaxshi tilak.

Yana chizgan gulimni  
Sizga sovg'a etaman.  
Sizga atab ko'p qo'shiq,  
Hikoyalar bitaman.

Uzoq yashang, ko'p yashang,  
Baxtimizga bor bo'ling.  
Boshimizga soyabon,  
Shodon, baxtiyor bo'ling.

*Ma'ruf RAHIMOV,*

*Buxoro shahri,*

*Abu Ali ibn Sino nomidagi*

*14-maktabning 4-sinf o'quvchisi.*

*Тонгчудузига обунга бўлишга шошилдинг!*



## TONGYULDUZI

Ўзбекистон болалари  
ва ўсмирларининг  
газетаси

Муассислар:  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ  
КЎМИТАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД  
УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ  
ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:  
Умида  
АБДУАЗИМОВА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,  
Йўлдош САИДЖОНОВ,  
Ойниса МУСУРМОНОВА,  
Ҳотам АБДУРАИМОВ,  
Мукаррама МУРОДОВА,  
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,  
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир  
"Ijod dunyosi"  
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент  
Матбаа комбинатида  
офсет усулида 39092  
нусада босилди. Ҳажми  
2 боёма табоқ.  
Буюртма - К-8154  
Газетани  
Муҳаббат  
МАҲСУДОВА  
сахифалади.  
Навбатчи:  
Гулюз ВАЛИЕВА

Руйхатдан ўтиш  
тартиби № 000137  
Манзилимиз  
700129,  
Тошкент шаҳри,  
Навий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34